

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ

480 Суд ижрочилари томонидан солиқ қарздорлигини
ундириш тартибга солиниши муносабати билан Ўзбе-
кистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгар-
тиришлар киритиш тўғрисида

Суд қарорлари суд ижрочилари томонидан сўзсиз ижро этилишини таъ-
минлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қуйидаги қарорларига ўзгар-
тиришлар киритилсин:

Вазирлар Маҳкамасининг «Судлар ва адлия органларини ривожланти-
риш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2003 йил 18 мартдаги 147-сон
қарори 2-бандининг еттинчи хатбошидаги (Ўзбекистон Республикаси ҚТ,
2003 й., 3-сон, 26-модда) ва қарорга 1-илованинг 2-банди еттинчи хатбоши-
даги «солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган
қарзларни» сўзлари «қарздорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига солиқ қарз-
дорлигини» сўзлари билан алмаштирилсин;

Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 2 апрелдаги 62-сон қарори (Ўзбе-
кистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 4-сон, 14-модда) билан тасдиқланган Ва-
зирликлар ва идораларнинг бюджетдан ташқари жамғармаларига йўналти-
рилаётган давлат божлари, йиғимлар ва солиқ бўлмаган тўловлардан, маъ-
мурий ва молиявий жазолардан ажратмалар миқдорларининг 12-банди «Шакл-
лантириш манбаи» устунининг еттинчи позициясидаги «солиқлар ва бошқа
мажбурий тўловлар бўйича муддатида тўланмаган қарзларни» сўзлари «қарз-
дорнинг мол-мулкани сотиш ҳисобига солиқ қарздорлигини» сўзлари билан
алмаштирилсин.

2. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Рес-
публикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига
юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2012 йил 11 октябрь,
290-сон